O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 12 июнь № 124 (3399) Шанба




## Буюк санъат намойиши

***кеча юртимизда Хитой маданияти кунлари бошланди***



Байрамона безатилган Тошкент аэропортида Хитой Халқ Республикаси "Хитой маданияти кунлари" иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Кечга томон Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида мазкур кунлар доирасида хитойлик сурат усталарининг "Суратларда акс этган Хитой" деб номланган бадиий кўргазмаси очилди.

Хитойлик сурат усталарининг ишлари ҳамюртларимизга яхши таниш. Хусусан, улар 2002 йилда пойтахтимизда ўтказилган "Қадрдон қарияларимиз", "Сув — бу ҳаёт" деб номланган Тошкент Халқаро бадиий суратлар танловида иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олган эди.

Хитой Фотографлари ассоциацияси томонидан тақдим этилган кўргазмадан эса, хитойлик машҳур фотография усталарининг 40 та бадиий суратлари ўрин олган. Кўргазма кўҳна давлатнинг тарихи ва бугунги замонавий ҳаёти билан кенг танишиш имконини беради. Жумладан, ранг-баранг суратлар орқали Буюк Хитой девори ва Будда ибодатхоналаридаги маънавий ҳаёт, қўшни халқнинг ўзига хос урф-одатлари, турмуш тарзи, спорти, санъати ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, хитойлик суратчиларнинг маҳоратларига қойил қолиб, фотография такрорланмас санъат эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

— Суратларни томоша қилар экансиз, — дейди биз билан суҳбатда санъатшунос Ю. Подпоренко, — хитойлик ижодкорларнинг нафақат юксак фотоусуллар, балки, коллаж, тасвирни компьютер ёрдамида қайта ишлаш каби бадиий ифода воситаларининг ҳам устаси эканлигига тан берасиз.

Кўргазманинг очилиш тантаналарида ХХР фотографлари ассоциациясининг вице-президенти жаноб Ло Генцянь бошчилигидаги бир қатор сураткашлар, Хитойнинг юртимизда фаолият кўрсатаётган элчихонаси ходимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашишди.

Мазкур маданият байрами бугун ҳам ўз ишини давом эттиради. Жумладан, Киночилар уйида Хитой киноси кунларининг, Бадиий академиянинг кўргазмалар залида Хитой рассомлари кўргазмасининг, "Туркистон" саройида "Хитой маданият кунлари"нинг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтади. Уларда ҳамюртларимиз хитойлик ижодкорлар томонидан яратилган фильмлар, мўйқалам усталарининг асарлари билан танишиш, бетакрор Хитой санъати намуналаридан баҳра олиш имкониятига эга бўладилар.

**С. МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
**кўргазмадан лавҳалар.**
**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**



## Чин чойининг тури кўпаймоқда

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).** Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Golden Dragon Tea" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида қадоқланаётган чойлар тури яна биттага кўпайди.

— Бундан икки йил муқаддам ташкил этилган корхонамиз Хитойда тайёрланган энг тоза ва сифатли чойларнинг юзга яқин навини ўзбекистонлик харидорларга сотишдан ташқари, уларни шу ернинг ўзида қадоқлашни ҳам йўлга қўйган эди, — дейди корхона бош директори Бай Йипинг ЎзА мухбирига. — Бундай самарали фаолиятимизда мамлакатингизда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароит муҳим омил бўлмоқда. Йил охирига қадар қадоқланаётган чойлар турини йигирматага етказиб, уларни Россия ва Украина каби давлатларга экспорт қилишни режалаштираяпмиз.

## ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2004 йил 14-18 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўтказиладиган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## «ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ»

***Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг "Жаҳон" ахборот агентлигига интервьюси***



**— Жаноб Раис, Хитой сўнгги ўн йилликларда иқтисодиёт, илм-фан, ижтимоий соҳа, маданият ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ҳавас қилса арзигулик юқори ва барқарор тараққиёт суръатларига эришди. Фикрингизча, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар муваффақиятининг сири нимада, Хитой тараққиёти стратегия ва тактикаси нимага асосланади?**

— Республикангизга давлат сафарим арафасида бўлиб ўтаётган ушбу мулоқотдан ғоят мамнунман. Дўстларим — Ўзбекистон матбуоти вакилларининг Хитой — Ўзбекистон муносабатларига катта эътибори учун ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан. Авваламбор, "Жаҳон" ахборот агентлиги орқали дўст Ўзбекистон халқига Хитой халқи номидан илиқ саломим ва самимий тилакларимни етказмоқчиман.

Сўнгги 25 йил давомида Хитой ислоҳот ва очиқлик тамойилига қатъий амал қилиб келаяпти. Социалистик бозор иқтисодиёти тизимининг шаклланиш босқичи якунланаяпти; очиқ турдаги иқтисодиёт юзага келди; ишлаб чиқариш кучлари ва мамлакатнинг умумий қудрати сезиларли ривожланди; ижтимоий масалалар кенг кўламда ҳал қилинмоқда; халқ ҳаётида умумий ўртаҳоллик даражасига эришишдаги тарихий ўтиш босқичи якунланди. Хитойдаги бундай оламшумул ўзгаришларнинг замирида, авваламбор, мамлакатнинг ўз социализм қуриш йўлидан оғишмай бораётгани, ислоҳот ва очиқлик йўли танланганий, аҳолини фаоллик, ташаббускорлик ва бунёдкорлик руҳига ҳар томонлама чорлаганимиз ётади, деб биламан. Ҳаёт шуни кўрсатаяптики, бу ривожланиш йўли Хитой воқелигига мос келади ва мамлакатнинг 1,3 млрд. нафар фуқароси томонидан самимий қўллаб-қувватланмоқда.

Хитойнинг истиқболли тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу борада қабул қилинадиган қарор кенг омма манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилган. Биз катта муваффақиятларга эришдик, лекин Хитойда миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилади; ишлаб-чиқариш кучлари етарли ва равон даражада ривожланмагани боис иқтисодий база кучсиз; мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан атроф-муҳит ва табиий ресурслар масаласи ўртасида жиддий номувофиқликлар мавжуд. Жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари минг долларга етган бўлишига қарамай, Хитой жаҳон иерархиясида биринчи юз давлатдан кейинги ўринда турибди. Халқ фаровонлиги учун мамлакатни замонавийлаштириш бўйича узоқ йўл босиш ва сидқидилдан меҳнат қилиш зарур.

Биз Дэн Сяопин назарияси ва "уч томонлама ваколатлик"нинг муҳим ғояларига суянган ҳолда тараққиётнинг илмий асосига қатъий амал қиламиз, яъни инсон манфаатлари йўлида уйғун ва давомий ривожланишни ҳаётга татбиқ қиламиз. Бу Хитой халқи ва ҳукумати учун ислоҳот, очиқлик ва мамлакат муваффақиятлари тажрибасини умумийлаштириш, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари тараққиётидан сабоқ олишга асосланган янги тушунчадир. Биз аввалгидек кучларимизни иқтисодий қурилишда жамлайверамиз ва уни инсоннинг ҳар томонлама камолотга эришишига йўналтирамиз. Бу борада эътибор шаҳар ва қишлоқнинг ягона режалаштириш, иқтисодий ва ижтимоий со-

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:***

## қонунлар уйғунлашуви

Кеча пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳамда ҳаммуаллифликка оид қонунчилигини Европа меъёрлари ва стандартларига уйғунлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. У "Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни амалга оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси асосида ташкил этилди.

Европалик эксперт Жан Альберт томонидан олиб борилган семинар ишида республика Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, Давлат патент идораси, Ёзувчилар уюшмаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Шарқ" матбаа акциядорлик компанияси ва бир қатор бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари муаллифлик ҳамда ҳаммуаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича асосий восита саналмиш Берн ва Рим конвенциясига Ўзбекистоннинг қўшилиши қандай ижобий ва салбий натижалар бериши, шунингдек, ушбу йўналиш бўйича қонуний бошқарув масалаларини муҳокама қилдилар.

**Р.ЁРЛАҚАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





**АЛЛО, СИЗНИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ**

**Ҳурматли газетхонлар!**

*Шу йил 1 августда юз минглаб абитуриентлар тест синовларидан ўтишади, унда олий ўқув юртларига энг муносибдан муносиблари танлаб олинади. Хўш, бу йил қабул бўйича қандай янгиликлар жорий этилмоқда, тест топшириқларида ўзгаришлар борми, касб танлашда йўналиш ва ихтисослашув рўйхатлари кенгайдими ёки сақланиб қолдими? Билимларнинг жиддий синовига қандай тайёргарлик кўрган маъқул? Шу ва шу каби саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз,*

***24 июнь соат 10.00 дан 12.00 гача***

**Давлат тест маркази директори**
**Баҳромжон Маҳмудович ИСМОИЛОВ**
**137-57-89, 135-19-50**

телефонлари орқали сизни эшитади.

**Саволларингизни аввалдан**

133-10-17, 133-38-01 телефонлари орқали беришингиз ёки 136-37-85, 133-48-04 факси ҳамда электрон почта орқали узатишингиз мумкин. Интернетдаги манзилимиз:

**E-mail: xalksuzi@uzpak.uz**


*Таҳлил, тажриба, ташаббус*

## ЯНГИ ТОПИЛГАН БОЙЛИК

***ёки Қашқадарёда деҳқон хўжаликлари салоҳиятидан қандай фойдаланилмоқда?***

### Қимирлаган пул топмоқда

— 10 сотих томорқам бор, — дейди Китоб туманидаги Улуғбек номли хўжалик ижарачиси Имом Карвонов. — Ўтган йилнинг июль ойида шу жойга карам экиб, ноябрда 11 тонна ҳосил олдим. Еган-ичгандан, бошқа харажатдан ташқари ёнимда накд 500 минг сўм қолди. Февралда картошка экдим. 4 тонна 100 кило ҳосил чиқди. Килосини 140 сўмдан сотдим. 560 минг сўм бўлди. Картошканинг ўрнига 3 кило макка уруғини сепиб, 1 тонна дон олдим. Макка дони ва кўкига 1 та бузоқни семиртириб, 500 минг сўмга пулладим. 4 та сигирдан чиққан сут-қатиқнинг рўзғордан ортганини , яъни 4,5 тоннасининг ҳар литрини 140 сўмдан сотаяпман. Бизнинг сариёғни еган кишининг егиси келаверади. Японияда келган меҳмон ҳам тан бериб кетди. Сизлар зўр яшаркансизлар, деди.

Ҳақиқатан ҳам, яшашимиздан нолимаймиз. Хўжаликдан яна 1 гектар ер олиб, боғ қилдим. Боғ орасига помидор экдим. 1 гектар ерда пахтам бор. Бултур 32 центнердан ҳосил олувдим. 1 гектар ерга ғалла экиб, 8 тонна дон олдим. 3 тоннаси ўзимда қолди. Буғдойнинг ўрнидан 15 тонна картошка чиқди.

Мен сизга айтсам, 15 ёшимдан деҳқончилик қиламан. Ер билан гаплашган, тиллашган одамдан у неъматини аямайди. Гулгунпуш қишлоғимизда 260 хонадон бор. Шу хонадон эгаларининг бари деҳқонмисан деҳқон. Масалан, мен бир йилда томорқадан 3 марта ҳосил оламан. Газ, водопровод бор. Экин учун сув қишин-ёзин оқиб ётибди. Яна нима керак?

Мустақилликкача томорқага сув берилмасди. Энди эса, аксинча, томорқангни обод қил, дейди. Ислом Каримов Қашқадарёда ишлаган пайтида томорқачиликни жорий қилиб кетди. Бугун бу тармоқ янаям ривожланаяпти.

Хўжалигимиз ҳудудидаги Деновбола, Аспидухтар, Шут қишлоқларида ўша 1987 йилда 302 гектар ер одамларга томорқа қилиб берилганди. Бир йилда 1,5 минг тонна картошка етиштирилди. Ўшангача Китоб туманига шунча картошка четдан келтириларди. Ҳозир йилига 4,5 минг тонна картошка етиштирилаяпти. 3,5 минг тоннаси четга чиқарилаяпти.

Шу тумандаги М. Бобоев номли хўжаликнинг Бешқозоқ қишлоғида яшовчи Бурҳон Хуррамов суҳбатга қўшилди:

— 17 сотих томорқамнинг 10 сотихига экин экаман. Майнинг 15 да карам чиқараман. Шундан 500-600 минг сўм ишлайман. Карам ўрнига кечки бодринг ёки кечки картошка экаман. Саратон кирмасдан туриб, 3,5 тонна ҳосил оламан. Бундан ҳам шунча пул тушади. Яна плёнка остида редиска, кўкат, пиёз етиштираман. Макка экаман. Ҳар йили 5 тадан 10 тагача қорамол боқаман. Сутини Тевабошидаги корхонага топшираман. 6-7 литр сутга кунига 140 сўмдан тўлайди.

Бундан ташқари, хўжаликдан 2 гектар ерни ижарага олганман. 1 гектарига ток, қолганига олма кўчати ўтқазганман. Орасига помидор, картошка экканман. Озроқ қовун, пиёз ҳам бор. 40 тоннадан 100 тоннагача помидор чиқади.

Ишқилиб, ҳозир ишлаган кам бўлмаяпти. Қишлоқда бекорчи, демак, камбағал йўқ. Қимирлаган пул топаяпти. Қани, айтинг-чи, олдинлари томорқадан шунча даромад олиб бўлармиди? Йўқ. Ўтган йили тўй қилдим. Келин туширдим. Иморат солдим.

«Муродилла — Тезгузар» деҳқон хўжалиги раҳбари Муродилла Мустафоев асли Тезгузар қишлоғидан. Шаҳрисабздаги Болта Шербобоев номли мактабда 17 йил ўқитувчилик қилган. Ҳозир ҳам тарих фанидан дарс беради. Шу билан бирга, 5 йил олдин хўжаликдан шартнома бўйича 35 сотих ерни ижарага олиб, шу ерда деҳқон хўжалиги тузган.

— Деҳқон хўжалигимизнинг Низомини ишлаб чиқдик, муҳр олдим, — дейди у. — «Кунчиқар» қишлоқ фуқаролар йиғини меҳнат бўлими мутахассиси Искандар Султоновга раҳмат! Ҳамма ҳужжатларни тўғрилаб берди. 1 миллион сўм кредит ҳам олдим.

— Ҳосил қандай бўлаяпти?

— 10 июлга қолмай, кабачки чиқади. То қиров тушгунча бу ҳосил бўлаверади. Уни «Шаҳрисабзконсерва» корхонасига топшираман. Шартномам бор. 700 минг сўм шундан келади. 20 июнга келиб, картошка пишади. 15 сотихдан 8 тонна чиқади. Буям даромад-да. Картошка ўрнига бодринг экаман. У ҳам совуқ тушгунча ҳосил беради. Камида 10 тонна оламан. «Шаҳрисабзконсерва»-га телефон қилсам, бас, ўзларининг машинасида олиб кетишади. Озроқ макка ҳам экаман. Ҳар йили 2 та қорамол боқаман.

Ўқитувчи қандай қилиб деҳқон бўлиб қолди, дерсиз? Муродилла ака деҳқончиликни раҳматли отаси Мустафо Аминовдан ўрганган. У киши деҳқончилик билан 12 фарзандни уйли-жойли қилган эди.

— Яккабоғда кам таъминланган оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантиришнинг энг самарали йўли деҳқон хўжаликлари эканлигига энди ҳамма ишонди, — дейди туман ҳокими Зафар Рўзиев. — Фуқароларга эгалик қилиш ҳуқуқи билан лалми, тоғолди ва сувли жойлардан қонунда белгиланган миқдорда ер бераяпмиз.

Жорий йил бошига қадар юридик мақомга эга бўлган 1065 та деҳқон хўжалиги мавжуд бўлган бўлса, тўрт ой давомида 2200 дан зиёд ариза қабул қилиниб, «Турон», «Турнабулоқ» ва «Қизилсув» ширкат хўжаликлари ҳудудидан 946 гектар лалми ер ажратилди. Бундан ташқари, ширкат хўжаликлари ҳисобидаги боғ ва токзорларни аҳолига деҳқон хўжалиги сифатида бўлиб бериш ҳам режалаштирилмоқда. Бу эса яқин келажакда қишлоққа мева, узум ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини олиб киради.

Яккабоғ тумани меҳнат бўлими бошлиғи Б. Доверовнинг айтишича, деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ҳам ўйлаб қўйилган. Бу йил туманда 2 та мевани қайта ишлаш корхонаси қурилади. Улардан биттаси, яъни тадбиркор Қурбоновга қарашли мевани қайта ишлаш корхонаси қурилиши бошлаб юборилди.

— Туманимиздаги тоғ ва тоғолди хўжаликларида 2002-2003 йилларда юридик мақомга эга бўлган 1755 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди, — дейди Шаҳрисабз тумани ҳокими Алиқул Эрдонаев. — Уларга сувли ерлардан 250 гектар, лалми ерлардан 480 гектар, жами 730 гектар ер бўлиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

**Муҳтарам муштарийлар!** «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб, янги имтиёзни жорий этди: иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳани кўтариш, инсон ва табиат уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакат ички тараққиётининг ташқи дунё учун очиқлиги, фаровон ҳаёт даражасига эришиш ва экологияни яхшилаш йўлидан собитқадамлик билан бораверишга қаратилади.

**— Хитойда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарияти томонидан танланган тараққиёт моделига қандай баҳо берасиз?**

— Мустақилликни қўлга киритгач, мана ўн икки йилдирки, Ўзбекистон халқи мамлакат қудратига катта интилиш сари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни тинмай олдга сураётгани ва қувонарли муваффақиятларга эришаётганидан мамнунмиз.

Дўст қўшни сифатида Ўзбекистон халқи томонидан танланган йўлни ҳурмат қиламиз, мамлакатнинг ижтимоий барқарорликни таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни тараққий эттириш бўйича саъй-ҳаракатларини тушунамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларни кенгайтириш, жаҳоннинг бошқа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш бўйича тутган йўлини қувонч билан таъкидлаймиз.

**— Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов билан бўлиб ўтадиган музокаралар чоғида қайси мавзуларни муҳокама қилишни режалаштирмоқдасиз? Бугунги кунда икки мамлакат қайси муаммоларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур, деб ўйлайсиз?**

# «ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ»

***Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг “Жаҳон” ахборот агентлигига интервьюси***

— Президент И.А.Каримов таклифига биноан мен 14 июнда мамлакатингизга давлат ташрифи билан бораман ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент анжуманида иштирок этаман. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашамиз. Музокаралар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, “уч ёвуз куч” — террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, шунингдек, “Шарқий Туркистон” террорчи кучларига қарши кураш, минтақада хавфсизликни таъминлаш ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилади.

Ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатларини келгусида ривожлантириш учун томонлар икки асосий йўналишдаги алоқаларни кучайтиришлари зарур:

1. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳаси. Хитой ва Ўзбекистон қўшни мамлакатлар бўлиб, иқтисодиётда ўзаро тўлдирувчанлик хусусиятига эга. Бу эса савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта устунлик ва имкониятлар ато этади. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш рекорд кўрсаткичда қайд этилиб, унинг ҳажми 300 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида Хитойнинг тўртинчи савдо шеригига айланди. Биз икки мамлакат корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга узоқ муддатли импульс бағишлаган йирик иншоотлар бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2. Хавфсизликни таъминлаш соҳаси. Сўнгги йилларда халқаро террорчилик хуружлари тобора тез-тез содир этилиб, турли мамлакатлар халқларига катта талофот етказмоқда. “Уч ёвуз куч” — террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг кескин қулоч ёйиши минтақа барқарорлигига катта хавф туғдираётир. Хитой қатори Ўзбекистон ҳам бундай таҳдидлардан азият чекмоқда.

**— Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эгасиз, мамлакатимизга ташриф давомида нималарни кўришни, билишни ва ўзингиз учун кашф этишни хоҳлардингиз?**

— Сўнгги марта Ўзбекистонга 1995 йилнинг октябрь ойида ташриф буюрганман. Ўшанда Тошкентдан ташқари Президент И.А.Каримовнинг она шаҳри бўлган, Марказий Осиёда кенг танилган Самарқандга саёҳат қилгандим. Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи, бой маданияти билан менда чуқур таассурот қолдирган. Мамлакатингиз заминида яшаб ижод этган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари дунёга машҳур олимлар ва мутафаккирлар инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшишган. Халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик риштaлари қадим тарихга бориб тақалади. Қўҳна Ипак йўли халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожи учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилган. Бутун тарих давомида қадимий миллатларимиз бир-биридан ўрганган, ўзаро тажриба алмашган. Хитой Марказий Осиё халқларидан ток, беда ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштиришни ўрганган. Ўз навбатида Хитой ипакчилиги ва ип йигириш техникаси Ўзбекистонга Ипак йўли орқали кириб келган.

Июнь ўртасида мамлакатингизга ташрифни ва Президент И.А.Каримов билан учрашувни интиқлик билан кутмоқдаман. Хитой халқининг Ўзбекистон халқига дўстона ва самимий тилакларини етказиш ниятидаман. Жамиятингизнинг турли доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиш, шунингдек, жаҳонга машҳур Бухоро шаҳрига саёҳат қилиш режалаштирилган. Бу сафар давомида Ўзбекистоннинг қўҳна тарихи ва маданияти ҳамда халқингизнинг мустақил давлатчилик барпо этишдаги янги ютуқлари билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўламан.

**— Ўзбекистонга давлат ташрифингиз дастури якунлангач, Сиз ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этасиз. Мамлакатларимизнинг бу ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— ШҲТнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ва бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Уч йил мобайнида ШҲТ ўз тикланиш жараёнининг дастлабки босқичини якунлади ва амалий ҳамкорлик даврига қадам қўйди. Тошкент саммитининг асосий вазифаси ана шу амалий ҳамкорликнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқишдир.

Хитой ва Ўзбекистон ШҲТнинг муҳим аъзоларидир, биз Ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёр. Бу, биринчидан, ШҲТнинг минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқеини оширишга, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг тўлақонли фаолиятини таъминлашга туртки беради. Иккинчидан, ташкилотнинг барча аъзолари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва шу маънода, авваламбор, минтақалараро транспорт ташувини йўлга қўйиш учун қулай шароитлар барпо этишда янги натижаларга эришиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, ШҲТ доирасидаги амалий ҳамкорлик олти мамлакат халқлари учун янада кўпроқ манфаатлар келтириши керак.

**“Жаҳон” АА.**

Парламент соати



***Фарғонада Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмитасининг қўшма сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун ижроси масаласи муҳокама қилинди.***

# Кун тартибида: огоҳлик

Мазкур қонун ижросини ўрганиш учун айнан Фарғона вилояти танлангани бежиз эмас. Чунки бу вилоятда ёшлар, хусусан, ишсизлик муаммолари юзага келган, диний ақидапарастлик томирлари тўлиқ барҳам топмаган. Лекин кейинги пайтларда терроризмга қарши кураш, ҳушёрликни ошириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида тузилган штаб қошидаги гуруҳда 2200 дан зиёд ички ишлар ходимлари, 717 та маҳалла посбонлари фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, маҳаллалар, муассасалар ва жамоат жойларида тушунтирув-тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилгани ўз натижасини бермоқда.

Қўшма сайёр йиғилишда турли ташкилот ва муассасаларда бундай тарғибот ишларини, айниқса, суҳбат, мулоқот кўринишидаги тадбирларни тез-тез уюштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда шундай учрашувлар ўтказилиши айни муддао эканлиги айтилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Набижон СОБИР,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Замон руҳи

## вилоят ОАВларида қандай аксини топмоқда?

***Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти марказий кутубхонасида Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ў. Ҳошимов бошқарди.***

Аввал хабар қилганимиздек, депутатлар ишчи гуруҳи вилоятда бўлиб “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар ижросини ўрганган эди. Сайёр йиғилишда вилоятда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ва матбаачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, вилоят телевидениеси учун “Simens” компаниясининг 2,5 миллион евро миқдоридаги ускуналари билан жиҳозланган янги телемарказ қуриб ишга туширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қонунларни таъминлашда камчилик ва муаммолар борлигини ҳам гапирдилар. Жумладан, вилоят туманлари газеталарининг моддий-техник шароити ночорлиги, адади ниҳоятда озлиги тилга олинди. Вақтли матбуотда мавзулар доираси торлиги, шунингдек, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳам замон талабларига тўла жавоб бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонунларнинг тўла-тўкис бажарилиши учун эса ҳар бир журналист , муассис шахсан масъул бўлиши лозимлиги айтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Н. РАВШАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Ғўза гули — ҳосил нишонаси





*Бу йил Асака тумани деҳқонлари 6025 гектар майдонда ғўза ўстирмоқдалар. Чигит барвақт экилгани, ниҳоллар агротехника қоидалари асосида оби-тобида парвариш қилинаётгани туфайли «Шарқ юлдузи», Бобур номли, «Навбаҳор» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари пайкалларида ғўза гуллади. Бу бўлғуси пахта ҳосилидан нишонадир.*

*Шу кеча-кундузда меҳнат аҳли гектарлар ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш мақсадида ғўзага ишлов бериш билан бирга биологик усулда ҳашаротларга қарши кураш олиб бормоқда.*

**СУРАТДА: механизатор Нуриддин Тоштемиров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

Хабарлар оқимидан

# Фестиваль якунланди

Маълумки, яқинда “Ўзбектеатр” бирлашмаси лойиҳалари асосида саҳналаштирилган спектаклларнинг “37+1” деб ном олган 1-Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, "Артмадад" махсус жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу театр байрамида "Қуёш фарзанди — Спитамен", "Қора вабо", "Қирмизи олма", "Осмоннинг бағри кенг" каби замонавий мавзулардаги саҳна асарлари намойиш этилди.

Куни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида мазкур фестиваль якунига бағишланган анжуман бўлди. Унда "Замонавий мавзудаги энг яхши саҳна асари учун", "Она образининг энг яхши ижроси учун", "Энг яхши режиссёрлик дебюти учун", "Гиёҳвандликка қарши кураш ғоясининг энг яхши хореографик ифодаси учун" сингари 16 йўналиш бўйича номинация ғолиблари мукофотланди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Озарбойжон пазандачилиги куни

Озарбойжон халқининг миллий байрами — Республика куни муносабати билан Тошкентдаги «Le Meridien palace» меҳмонхонасида Озарбойжон пазандачилиги куни ўтказилди.

Озарбойжон миллий пазандачилиги маркази бош директори Тоҳир Амирaслонов “Туркистон пресс” мухбирига Тошкентга элликдан зиёд озар таомлари келтирилганини таъкидлади. Тадбирда Озарбойжон республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков сўзга чиқиб, озар миллий пазандачилигининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтди.

# ЯНГИ ТОПИЛГАН БОЙЛИК

## ёки Қашқадарёда деҳқон хўжаликлари салоҳиятидан қандай фойдаланилмоқда?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилда эса 2248 та деҳқон хўжалигини тузиш режалаштирилган эди. Шу йилнинг 1 чорагидаёқ 607 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Уларга 60 гектар сувли, 170 гектар лалми, жами 230 гектар ер майдони умрбод эгалик қилиш учун ажратилди.

Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун аҳолига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, туман рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва туман меҳнат бўлими томонидан (муҳр ва тамғадан ташқари) барча таъсис ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бепул тайёрланиб, тўлиқ рўйхатдан ўтказилган ҳолда деҳқон хўжалиги бошлиғига етказиб берилмоқда.

### Томорқа баракаси

Қашқадарёда томорқадан, яъни деҳқон хўжалигидан шундай баракали фойдаланаётган, ундан яхшигина фойда кўраётган оилалар озми ёки кўп? Вилоятда 544,6 минг оила бўлса, шунинг қанчаси кам таъминланган? Ҳар оила ўртача неча кишидан иборат? Вилоятда қанча ишсиз бор? Бу вилоят аҳолисига нисбатан неча фоизни ташкил қилади? Расман ишсиз мақомини олганлар қанча? Доимий иш ўрнига эга бўлмаганлар-чи? Нега улар томорқадан даромад топмайдилар? Ё томорқаси йўқми? Улар деҳқон хўжалиги тузса бўлмайдими? Вилоятда шу каби саволлар атрофида сўз юритилаётганлигига, ушбу масалалар устида бош қотирилаётганига бир йилдан ошди. Нима қилиш керак? Шу савол вилоят раҳбарияти олдида кўндаланг турарди. Албатта, бу ишни бир кунда, бир зарб билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги раҳбариятга яхши аён эди. Шунинг учун мавжуд тажрибани жиддий ўрганиш, масалани чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, шундан сўнггина илмий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган хулосалар чиқариш, пухта тадбирлар ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди. Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда иш тутилди. Айниқса, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан яқиндан иш олиб борилди. Ўтган йили шу масала бўйича вазирнинг ўзи Қашқадарёда бир неча марта бўлди.

Маълумки, 1987-1989 йилларда Қашқадарё вилоятида аҳолига уй-жой қуриш, томорқа ва экин экиш учун қўшимча ер майдони ажратилган, ўз вақтида бу катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

Ўша пайтда ана шу ишга вилоят раҳбариятини нима мажбур қилган? Юқоридан кўрсатма бўлганми? Аксинча, боя тилга олганимиздек, марказ бу ишга тиш-тирноғи билан қарши эди. Марказ учун халқнинг яхши яшаши эмас, пахта етиштиришни кўпайтириш муҳимроқ ҳисобланарди. Вилоят раҳбарияти эса, биринчи галда, одамлар ҳақида, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида қайғурган. Шунинг учун ҳам, қалтис бўлса-да, шу ишни қилган. Нафақат туманларда, ҳатто Қарши шаҳрида ҳам бу тажриба қўлланилган. Бир мисол. Ўша кезларда аэропорт билан шаҳар оралиғи ўнқир-чўнқир тепаликлар, ялангликдан иборат эди. Ана шу жой вилоят раҳбари И. Каримовнинг ташаббуси билан одамларга боғ-роғ, экин-тикин қилиш учун бўлиб берилди. Уларга деҳқончилик қилиш учун шарт-шароит яратилди. Қувурларда сув келтирилди. Шу тариқа бу жой кўкаламзор, сўлим гўшага айланди. Гўё янги топилган бойликка эга бўлинди. Ҳозир одамлар унинг меваларидан баҳраманд бўлишмоқда. Сабзи, пиёз, картошкани ҳам шу ерда етиштиришмоқда. Бу ноз-неъматлар юзлаб хонадонларнинг қозонини қайнатмоқда.

Мустақиллик йилларида эса томорқачиликни ривожлантиришга янада кенг йўл очиб берилди. Мамлакатимизда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» Қонун қабул қилинганлиги бунинг тасдиғидир.

Бироқ ана шу имкониятдан ким қандай фойдаланаяпти? Очиғини айтганда, Қашқадарё вилоятида ана шу имконият, ҳуқуқий асосдан шу пайтгача унумли фойдаланиш ҳақида етарлича бош қотирилмаган. Нима учун шундай бўлган? Нима, вилоятда ер камми? Китоб туманидаги биргина «Паландара» хўжалигининг тоғ ва тоғолди ҳудудида экин экиш, деҳқончилик қилиш мумкин бўлган 1631 гектар ери шу пайтга қадар бўш ётган-ку? Нега туман, хўжалик раҳбарлари шу жойда деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш ҳақида ўйлашмаган? Масалани ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида шунга ўхшаш жуда кўплаб муаммолар аниқланиб, уларнинг сабаблари очилди.

Ниҳоят, шу йил 29 мартда вилоят ҳокими «Вилоятнинг тоғ, тоғолда ва лалмикор ҳудудларида 2004-2006 йилларда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик ҳамда узумчилик тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури» шу тариқа дунёга келди. «2004-2006 йилларда кам таъминланган аҳоли қатламларининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси ва манзилли дастури» яратилишининг сабаби ҳам шу.

Эндиликда вилоят ҳокимининг қарорига асосан, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида деҳқон ва фермер хўжаликларига ер ажратиб берилмоқда.

Фақатгина бу эмас. Ана шу ерларда янги иш ўринлари яратиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини боғдорчилик ҳамда узумчиликка ихтисослаштириш дастурлари ишлаб чиқилган. Бундай хўжаликларни босқичма-босқич ташкил этиш, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилган. Токи, улар қисқа муддатда оёққа туриб олсинлар.

Қарорда, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар)нинг олди-сотдисини йўлга қўйиш, меваларни қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятига эга бўлган кичик ва қўшма корхоналар очиш ҳам алоҳида кўрсатилган. Боғдорчилик ва узумчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида суғорилмайдиган ҳудудларда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва томчилатиб суғоришни татбиқ этиш устувор вазифа қилиб қўйилган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари буюртмаларига мувофиқ, тоғ ва лалмикор ҳудудларга мослашган мевали дарахт ва ток ниҳолларини етиштириб бериш эса кўкаламзорлаштириш идоралари зиммасига юклатилган.

### Концепциянинг мақсад ва вазифалари

«Вилоятда 2004-2006 йилларда кам таъминланган аҳоли қатламларининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси»нинг асосий мақсад ва вазифаларидан яна бири, кам таъминланган, энг аввало, ҳар томонлама ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган кўп болали, ногирон болали, боқувчиси йўқ ва биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган оилаларни аниқлашдир. Бу вазифа бажарилди — шундай хонадонлар аниқлаб чиқилди. Шундан келиб чиқиб, бундай оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш йўналишлари белгиланди.

Бу йўналишларнинг биринчиси — корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан, шу жумладан, халқаро ташкилотлар маблағлари ҳисобидан ҳам иш ўринлари яратиш, чет элларда ҳам меҳнатни ташкил этиш; иккинчиси — фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, уларга қўшимча ер майдонлари ажратиш, тоғ, тоғолди ва лалмикор ерларда боғдорчилик ва узумчиликни юқори поғонага кўтариш; учинчиси- оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, уларга микрокредитлар ажратиш; тўртинчиси — кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзоларини касбга ўқитиш ва малакасини ошириш, уларни жамоат ишларига жалб этишдан иборат.

Бу айтишгагина осон иш, албатта. Шунинг учун ўтган йили аҳоли бандлигини ошириш, иқтисодий аҳволни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудлардаги ўзига хос демографик вазият, иш ўринларига бўлган эҳтиёж, янги иш ўринлари ташкил этишнинг устувор йўналишлари ва молиявий манбалари ҳисобга олиб чиқилди. Вилоятдаги мавжуд 529 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш дастурлари тайёрланди. Бунда ҳар бир қишлоқ ва маҳалланинг ўзига хос хусусияти эътиборга олинди.

2003 йилда, тегишли дастурга мувофиқ, вилоятда 12,6 мингта деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Шундан 6,1 мингтаси юридик мақом олди. Бу 2001 йилдагига нисбатан 2 баробар кўп. Деҳқон хўжаликлари сони йил охиригача 20,4 мингтага боради. Бунинг учун қўшимча равишда 1,9 минг гектар ер ажратилади.

Биргина ўтган йили деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун 1,7 минг гектар ер ажратилди. Бу — 2001 йилдагига нисбатан 4,6 баробар кўп, демакдир. Шунинг эвазига бултур 24,1минг фуқаро иш ўрни ва даромад манбаига эга бўлди. Бу кўрсаткич 2001 йилдагига таққосланганда 4,4 баробар ўсди.

Шу билан бирга, ўтган йили Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаши туманларининг тоғ, тоғолди ва лалмикор ҳудудларидан деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорликни ташкил этган кам таъминланган оилаларга бандлик жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 25 миллион сўм имтиёзли микрокредит ажратилди. Бу 2001 йилдагига нисбатан 3 баробар кўпдир. Шу йилнинг охиригача 1,3 миллиард сўм имтиёзли кредит берилиши режалаштирилган.

2004-2006 йилларда 9,5 мингта деҳқон ва 295 та фермер хўжалигининг ихтисослашувига эришиш орқали 6,8 минг гектар боғ ва узумзор барпо этилади. Натижада 18 минг 918 та янги иш ўрни яратилади, яъни шунча фуқаронинг даромади кўпаяди. Деҳқон хўжаликларида жон бошига олинган ялпи даромад ўтган йили 527 минг сўмга етди. 2001 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 401 минг сўм эди.

Айтиш керакки, вилоятда нисбатан кам даромадли оилалар ҳам бор. Уларнинг даромадини кўпайтириш, барқарор даромад манбаларига эга бўлишларини таъминлаш учун 2004-2006 йилларда давлат бюджети, корхона, ташкилот ва муассасалар, тижорат банклари, бюджетдан ташқари жамғармалар, чет эл инвестицияси, халқаро ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан жами 105,9 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Оқибатда кам таъминланган оилалар сони 2006 йилга бориб, 7 баробар камаяди.

Қиёс: ўтган йили вилоятда 47,2 мингта янги иш ўрни яратилган. Унинг 88 фоизи қишлоқларга, 55 фоизи тоғлик туманларга тўғри келди. Демак, қарор ҳам, концепция ҳам, дастурлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бироқ уларни амалга оширишни янада жадаллаштирмоқ лозим. Негаки, буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Биргина Китоб туманидаги тоғ, тоғолди ҳудудларида жойлашган «Паландара», «Варганза» «Қишлиқ», Каромат Рустамова номли, Навоий номли, Охунбобоев номли хўжаликлар ҳудудида деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ва ҳозирда бўш ётган 4 минг 431 гектардан зиёд лалмикор ер борлиги қайд этилган. Ана шу ерда деҳқон хўжаликлари ташкил этилса, аҳоли, аввало, ишлик, сўнгра даромад манбаига эга бўладими? Бўлади. Айтайлик,битта деҳқон хўжалигига 0,5 гектар ер берилди. Бир гектар ерда боғбонларнинг айтишича, 1 минг 333 туп ток ўстирилади. Демак, 0,5 гектар майдонга 650-700 туп ток кўчати экилади. Ҳар бир токдан, борингки, 10 килограммдан узум олинса, бу жами 6,5 - 7 тоннани ташкил этади. Ўрта ҳисобда у 200 сўмдан сотилса, 1 миллион 300 минг сўм нари-берисида даромад келади.

### Муаммолар ҳам ечимини топмоқда

Муаммолар нималардан иборат? Банк олинадиган микрокредит қийматида гаров талаб қилмоқда. Ер берилди, одамлар ишлик бўлишди. Бу яхши. Бироқ ҳосил қачон олинади? Деҳқончиликда 1 йил, боғдорчиликда 3-4 йил кутишга тўғри келиши сир эмас-ку? Ишни бошлаш учун эса пул сув билан ҳаводай зарур. Маълум бўлишича, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан деҳқон хўжаликлари ва оилавий тадбиркорлик учун Китоб туманига ҳозирга қадар 25 миллион сўм кредит ажратилган. Лекин биргина «Пахтабанк»нинг туман бўлимида микрокредит олиш учун юзлаб одам навбатда турибди!

Хуллас, Қашқадарё вилоятида деҳқон хўжаликлари салоҳиятидан оқилона фойдаланиш борасида кўламию миқёси катта, муҳими, ғоят хайрли иш бошланди. Уни охирига етказиш учун вилоят раҳбариятидан қатъийлик, қарор ва дастурлар ижросини жиддий назорат қилиш талаб этилади. Шунда томорқа ҳақиқий даромад манбаига айланади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги деҳқон хўжаликлари яратган боғ-роғлар ва токзорларда эса мева-чева ва узум, картошка, зиғир, кунжут, нўхат каби маҳсулотлар мўл бўлади.

Ўз навбатида ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари қурилади. Ўзингиз ўйланг: пировардида озмунча одам ишлик бўладими? Устига устак, ҳадемай, бу маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топади.

Бу биргина Қашқадарё вилоятида бўлаётган иш. Республикамизда аҳолининг яхши яшаши, фаровон турмуш кечириши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиб ишлар бўлаётганлигига бир мисол бу. Ана шу ишлар ўз самарасини беради, албатта. Вақти келиб кўрасиз, хорижда ҳам бизнинг тажрибамизни ўргана бошлайдилар. Бунга шубҳа йўқ.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шарқ ва Ғарб уйғунлашган ўлка

**Шу йилнинг 5 июнь сонида Киевда нашр этиладиган "Комсомольская правда в Украине" газетаси мухбири Яна Косимчук мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида мақола эълон қилди. Қуйида ушбу мақола баъзи қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этилаяпти.**

27-29 март кунлари амалга оширилган ва ташқаридаги кучлар томонидан уюштирилгани яққол кўзга ташланиб турган террорчилик ҳаракатлари бутун дунё эътиборини Ўзбекистонга тортди. Бироқ кенг кўламда ҳаракат қилишларига қарамасдан, террорчи гуруҳлар ўз мақсадларига эриша олмадилар.

Бу ҳолат, назаримизда, Ўзбекистонда ҳукм сураётган вазиятни бевосита ифода этади, зеро, маҳаллий аҳоли террорчилар ҳаракатидан саросимага тушиб қолмади, аксинча хавф-хатар олдида унинг жипслашуви кучайганини кузатиш мумкин эди.

Биз Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида кам маълумотга эгамиз. Бу эса адолатдан эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ҳал қилувчи стратегик давлатга айланиб улгурди. Расмий Тошкент тутган позиция, ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу минтақа ва ундан ташқарида бўлаётган сиёсий жараёнларга бевосита таъсир ўтказаяпти ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мавжуд ахборот бўшлиғини, бир оз бўлсада, тўлдириш мақсадида, биз Ўзбекистондаги вазиятнинг баъзи жиҳатларига тўхталамиз.

Ўзбекистон минтақадаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатдир. Аҳолининг умумий сони сўнгги юз йил давомида олти баравардан кўпроқ марта ўсган — бу, асосан, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчилар ҳисобига амалга ошган. Шу вақт мобайнида экин экиладиган ерлар майдони эса уч бараварга кенгайган.

Кўриниб турибдики, ушбу мамлакат иқтисодиётини замонавий талаблар даражасида ислоҳ қилиш долзарб зарурият эди. Тарихнинг ўзи "пахтакор республика"ни ислоҳотлар жараёнига ундаётган эди: мамлакат қарийб ярим аср давом этган пахта яккаҳокимлиги илдизидан чириган тарихий вазиятда мустақилликни қўлга киритди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг илғор ва экологик жиҳатдан тоза соҳаларини ривожлантириш, бу билан ўсиб келаётган аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш ва шундайин ҳам кўп азоб кўрган атроф-муҳитга камроқ зарар етказишга эришиш лозим эди. Бу эса йирик миқдордаги сармоялар жалб қилинишини талаб қиларди.

Мамлакат Шарқ турмуш тарзи ва Ғарб эркин муносабатларини уйғунлаштирган ўзига хос йўлни танлади. Масалан, вазирликлар концернларга айлантирилди. Ўзбек иқтисодиётининг яна бир жиҳати мавжуд — хусусийлаштирилган корхоналарда давлатнинг сезиларли улуши сақлаб қолиниб, барча босқичларда унинг кўмаги таъминланмоқда.

Натижалар ўзини узоқ куттирмади. Тадбиркорлик учун яратилган қулай шарт-шароит ва янги инвестицион лойиҳаларнинг ишга туширилиши республика иқтисодиётининг тезкор тараққиётига замин яратди. 2004 йил январь-февраль ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга ўсди.

МДҲнинг бошқа давлатлари билан ўзаро солиштирганда Ўзбекистон муваффақиятлари яққол кўзга ташланиб қолади. 1997 йил Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 1990 йилдагига нисбатан 90 фоизни ташкил қилди. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга эътибор беринг: Россия — 59, Украина — 42, Белоруссия — 73, Қирғизистон — 60, Озарбойжон — 44 фоиз.

Ижтимоий соҳа ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили", деб эълон қилинди. Шу мақсадда ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига олган йиллик комплекс дастур ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу дастур бундан аввалроқ "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили"да қабул қилинган дастурларнинг мантиқий давоми бўлди. Президент Каримов жамиятни бой ва камбағал табақаларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда ижтимоий барқарорлик ва осойишталикни таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Бу билан у бозор ўзгаришларига ижтимоий адолатсизлик ўрнатиш деб қараётганлардан кескин фарқ қилади.

Табиийки, ўзбек иқтисодиёти тараққиёти ва ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар амалда хориждаги турли жамғармалар, институтлар ва бошқа "демократия ўрнатувчи"ларни республикадаги вазиятга салбий таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум қилади. Ўз вақтида амалга оширилган тадбирлар — бу "инқилобий тутқаноқ"қа йўл бермайдиган профилактик чорадир.

**"Жаҳон" АА.**

## Колин Пауэлл инкор этди



**АҚШ давлат департаментининг маълум қилишича, сўнгги пайтларда жаҳонда террорчилик хуружлари ўсиб бораяпти. Бу маълумот бундан бир муддат олдин—апрель ойида эълон қилинган АҚШнинг ташқи сиёсат маҳкамаси ахборотини инкор этади. Ахборотда 2003 йилда дунёда террорчилик бошқа йиллардагига нисбатан кескин камайгани таъкидланганди.**

**АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл департаментнинг бу маълумотини нотўғри, деб баҳоламоқда.**

## Молиявий қаллоблик

**Хитойда «Шу Суи» брокерлик компанияси собиқ раҳбари ва 24 нафар амалдор устидан суд жараёнлари бошланди. Улар компанияга тегишли 3,1 миллиард АҚШ долларини ноқонуний ўзлаштирганликда айбланмоқда. Хитой маҳаллий матбуотининг маълум қилишича, катта миқдордаги молиявий қаллоблик мамлакат тарихида биринчи бор учрамоқда.**

## Саммит ниҳоясига етди

Си-Айленд шаҳрида катта саккизлик давлатларининг икки кунлик саммити ниҳоясига етди.



Унда Буюк Британия, Италия, Канада, Россия, АҚШ, Франция, Германия ва Япония давлатларининг раҳбарлари иштирок этишди. АҚШ Президенти Жорж Буш дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда кўплаб глобал муаммолар муваффақиятли муҳокама қилинганлигини таъкидлади.

Давлат раҳбарлари келгуси учрашувни Шотландияда ўтказишга келишиб олишди. 2006 йилда эса Россия катта саккизлик давлатлари саммитига мезбонлик қилади.

## Стадионлар тайёр эмас

**Грециялик спортчилар Афинада ўтадиган Олимпиада ўйинлари муносабати билан стадионларини текширувдан ўтказиш учун уч кунлик машғулотларни бошлаб юборишди.**

**Бундан икки йил олдин стадионларни таъмирлаш ишлари бошланган эди. Мусобақаларнинг бошланишига икки ой қолишига қарамасдан спорт иншоотлари ҳали ҳам тўлиқ тайёр эмас, дея хабар беради Би-Би-Си мухбири.**

## Европарламентга сайловлар бошланди



Европа парламентига сайловлар бошланди. У тўрт кун давом этади. Пайшанба куни Буюк Британия ва нидерландиялик сайловчилар овоз бериб бўлишди. Сайлов бугун ЕИга аъзо бошқа мамлакатларда давом этади. Мазкур сайловда 25 давлатнинг 350 миллион аҳолиси қатнашиши кутилаяпти. Сайловнинг дастлабки натижалари эртага эълон қилинади.

## Гумондорлар ҳибсда

**"Интерфакс" ахборот агентлигининг хабар беришича, Чечинистон Президенти Аҳмад Қодировга нисбатан уюштирилган суиқасдга алоқадорликда гумон қилиниб икки шахс қўлга олинди. Россия Бош прокурори ўринбосари Сергей Фридинский ҳибсга олинган икки шахс 9 май куни «Динамо» стадионига бомба ўрнатишда иштирок этганлиги тўғрисида далиллар борлигини тасдиқлади. Ҳозирча уларнинг шахси ошкор этилмаяпти.**

## Муносабатлар қайта тикланмоқда



Чехия Шимолий Кореяда ўзининг элчихонасини очмоқда. Бу ҳақда мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди. Бундан уч ой олдин Шимолий Корея парламенти раиси Цой Тхэ Бок Прага билан дипломатик муносабатларни қайта тиклаш борасида музокаралар олиб борганди, дея хабар қилади Associated Press.

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

# ЎЗБЕКЛАРДЕК МЕҲМОНДЎСТ ХАЛҚ

Шу йилнинг апрель-май ойларида «Поляк-словак-чех» бирдамлик фонди таклифи билан Польшада уч ҳафталик малака ошириш курсини ўтаб қайтдик. Биз — «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Исмат Худоёров, «Ёшлар» радиоканалининг «Аср» ахборот гуруҳи муҳаррири Абдувоҳид Заҳадуллаев ва камина сафарда ҳамроҳ бўлдик. Сафаримиздан кўзланган асосий мақсад Польша матбуоти, поляклар ҳаёти билан яқиндан танишиш эди.

### Польша ҳақида икки оғиз...

Бу давлат Шарқий Европада жойлашган. Литва, Словакия, Белорусь, Украина, Германия билан чегарадош. Аҳолиси 38 миллион нафардан кўпроқ. Расмий маълумотларга қараганда, поляклар умумий аҳолининг 99 фоизини ташкил қилади. Мамлакатда шунингдек, немислар, украинлар, руминлар, яҳудийлар, белоруслар ва бошқа миллатга мансуб аҳоли ҳам истиқомат қилади.

Бу юртнинг охирги ўн беш йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Польша ўтган асрнинг 80-йиллари охирига қадар социалистик давлат ҳисобланарди. Гарчи собиқ иттифоқнинг расмий аъзоси бўлмаса-да, ўша пайтларда давлат Кремль берган кўрсатмалар асосида бошқариларди. Польшанинг маълум бир муддат собиқ СССРга қарам бўлиб қолишининг яна бир сабаби мамлакатда яккапартиявийлик ҳукмронлигида эди.

МДҲда бўлгани каби бу мамлакатда ҳам коммунистик режим ўзини оқламади. 80-йилларда иқтисодиётда ялпи инқироз юзага келди. 1988 йилда миллий даромад кўрсаткичи 1979 йилдагидан ҳам кам даражани кўрсатди. Бозорларда кўпгина маҳсулотлар танқислиги оқибатида нарх-наво кўтарилиб кетди.

80-йилларнинг охирига келиб мамлакат сиёсий оламида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Қисқа муддатда янги партиялар пайдо бўлди. Фуқаролар анча фаоллашди. Демократик фикрлар баралла янграй бошлади. Бир неча бор иш ташлашлар, кўп минг кишилик митинглар ўша пайтларда Польша ҳаётида оддий ҳолга айланганди.

Поляклар бу даврни «ўтиш даври» деб атайдилар. Бугун миллий иқтисодиёт анча ўнгланди. Мамлакатда ўртача иш ҳақи 250-300 АҚШ долларини ташкил этади. Шу йилнинг биринчи майидан эътиборан Европа Иттифоқи аъзосига айланди.

### Бир кишига — битта газета

Бугунги кунда Польшада беш мингга яқин газета ва журнал рўйхатга олинган. Матбуотнинг бизникидан фарқли жиҳати шундаки, бу соҳага кўпроқ бизнес сифатида қаралади. Ҳар бир ахборот маҳкамалари ўз акциядорларига эга. Яна бир қизиқ тарафи — мамлакатда кўзга кўринган газеталар акциялари хорижликлар томонидан сотиб олинган. Поляклар назарида эркин бозор иқтисодиёти шароитида акциялар сотилишини чеклаш охир-оқибат монополияга олиб келар экан. Шу нарсанинг ўзи матбуотнинг анча эркинлигини кўрсатади.

Бу мамлакатда ҳам кўнгилочар газеталар кўпминг нусхада чоп этилади. «Fakt», «Super Express» газеталари сариқ матбуот ҳисобланиб, 700 минг нусхада тарқалади. Ижтимоий-сиёсий газеталари «Gazeta Wyborcza» (450 минг нусхада), «Rzeczpospolita» (200 минг атрофида) адади бир оз камроқ.

Ҳудудий газеталарнинг тиражи ҳам марказий газеталарникидан кам эмас. Мисол учун Варшава шаҳрининг жанубида жойлашган тўртта туманга тарқаладиган «Пасмо» 50 минг нусхада чиқади. Бундай типдаги газеталар кўпинча бепул тарқатилади. Газета таҳририятида аксарият журналистика факультети талабалари ишлаётганининг гувоҳи бўлдик. Улар бу ерда амалиёт ўташар ва айни пайтда яхшигина ҳақ ҳам олишаркан.

«Rzeczpospolita» бир вақтлар давлат нашри ҳисобланган бўлса, бугун акциядорлик компаниясига айлантирилган. Акцияларининг 45 фоизига давлат, 51 фоизига хорижлик компаниялар эгалик қилади. Аудитория қамрови жиҳатидан учинчи ўринда туради. Газета уч қисм: оқ, кўк ва сариқ рангли қоғозларда ҳар куни уч маротаба чоп этилади. Дўконлардан биринчи бор шу газетани сотиб олаётган киши бир эмас, учта газета сотиб олаяпман, деб ўйлаши табиий. Чунки ҳар бир қисми қалин, варақлари кўп. Оқ рангли қисмида янгиликлар, ижтимоий-сиёсий, спортга доир мақолалар берилади. Кўк ранглиси эса иқтисодиёт мавзусига мўлжалланган. Бу бўлимда молиявий, қишлоқ хўжалигига, бозор ва бошқа иқтисодиётга доир барча мавзулардаги чуқур таҳлилий мақолаларни учратишингиз мумкин. Сариқ қисмида эса ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар чоп этилади.

Газета муҳаррири Иза Крайнинг айтишича, барча мавзуларни қамраб олишга ҳаракат қилинди. Сабаби газета бозорида рақобат жуда кучли. Таҳририятлар бундай шароитда ҳар бир ўқувчи учун «кураш» олиб боради. Бунда газетхоннинг молиявий ҳолати ҳам инобатга олинади. Ўтказилган тадқиқотларга қараганда, аҳолининг аксарияти битта газета сотиб олишга одатланган. Ўқувчи назарида газеталарда ёритилаётган мавзулар ва янгиликлар кўпинча бир-бирини такрорлайди. Яъни дунё ва мамлакат ҳаётида рўй бераётган барча воқеаларни бир газетада ўқиса ҳам бўлади.

Таҳририятларда бўлганимизда биз бир саволни ўртага ташладик: хоҳлаймизми, йўқми матбуот мафкуравий кураш майдони. Хорижлик акциядорлар ўз сиёсий мақсадларидан келиб чиқиб, таҳририят ишига таъсир кўрсатмайдими?

Бу саволга деярли бир хил жавоб олдик. Акциядорни фақат бир нарса — келаётган фойда қизиқтиради. Ҳеч бир соҳиб таҳририят ходимларига бевосита таъсир кўрсатмайди. Унинг иши — газетани чоп этиш ва сотиш.

### Трамвайда метродагидек

Одатда ҳар бир жамиятнинг бирбиридан фарқли ва умумий жиҳатлари мавжуд. Биринчи бор хорижга чиққан одам бегона юртнинг фарқли жиҳатларини излайди. Бизни дастлаб ҳайратга солгани шаҳар транспорти бўлди. Ҳар бир бекатда тўхтаб ўтувчи автобусларнинг қай лаҳзада келиб тўхташи ва сиз мўлжаллаган манзилга қачон етиб боришининг вақти-соати дақиқаларигача ёзиб қўйилган. Автобуслар, трамвайлар белгиланган вақтдан бир дақиқа ҳам кечикмайди. Тошкентда метрога қараб соатингизни тўғриласангиз, Варшавада автобусларнинг белгиланган вақтда келиб-кетишидан соатингизнинг адашмай юраётганига амин бўласиз. Яна бир томони, автобусларда кондукторлар йўқ. Газета сотиш дўконларидан кунлик, уч кунлик, ҳафталик, бир ойлик йўл чипталари сотилади. Йўлкира нархи ҳам унча қиммат эмас. Бир ойлик йўл чиптасининг баҳоси 25 доллар атрофида. Метроларнинг кириш йўлаги олдида ҳам кузатувчи ўтирмайди. Ҳар замонда назоратчилар текширув ўтказиб турар экан. Мабодо кимдир йўл чиптасисиз автобус ёки трамвайда кетаётган бўлса, 40 доллар атрофида жарима тўлайди. Шаҳар аҳоли ташиш транспорти уюшмаси матбуот котибининг айтишича, жарима миқдорининг юқорилиги йўловчилар интизомига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Поляклар ҳам ўзбекларга ўхшаб жуда илтифотли миллат. Меҳмон келса, хурсандлигидан ўзини қўярга жой топа олмай қолади. Бирвинов шаҳарчасига борганимизда, шу нарсанинг гувоҳи бўлдик. Гарчи шаҳар мэри биз билан учрашувга вақт тополмаган бўлса-да, яхшироқ айланишимиз учун барча шароитни таъминлаб берди. Мэр ўринбосари бизга ҳамроҳлик қилди. Бирвинов полякларнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари сақланиб қолган шаҳарча ҳисобланади. Бу ерда халқ ҳунармандчилигини, миллий урф-одатларни ўзида акс эттирувчи уй-музейлар жуда кўп.

Польша билан алоқаларимиз йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўтган йилдан бошлаб бу мамлакатда Ўзбекистоннинг Бош консуллиги иш бошлади. Бу ўзаро савдо-сотиқ алоқаларининг яхшиланишига катта омил бўлмоқда. Биргина 2003 йилда икки томонлама товар айрибошлаш ҳажми уч баробарга ўсди. Ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
*Тошкент-Варшава-Тошкент.*




*Ташкилот ва корхоналар диққатига !*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**
**Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш**
**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**
**қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

***1. Наманган шаҳридаги Дўстлик марказий қозонхонасининг КВГМ 50-150 С қозонини тайёр ҳолда мукаммал таъмирлаш.***

**ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ** ***— 2 (икки) ой.***
**БУЮРТМАЧИ** ***— Наманган шаҳри, Авиация кўчаси, 1-уйда жойлашган Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси.***
***Телефонлар: (8-36922) 32-32-44, 32-37-98.***

Қурилиш ишлари Наманган вилояти маҳаллий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-36922) 26-14-50, 26-47-91.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.**

*Ташкилот ва корхоналар диққатига !*

**«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг**
**ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**
**танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

1. Бандихон ЙХТПТФКга қарашли 4Р-100 «Мангузар-Аэропорт-Термиз-Жарқўрғон-Денов» автомобиль йўлининг 103-107 км.ларини «калит остида» мукаммал таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 344,120 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 549 кун.*
2. Қумқўрғон ЙХТПТФКга қарашли М41 «Бишкек-Душанбе-Термиз» автомобиль йўлининг 1540 км.даги кўприкни «калит остида» мукаммал таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 482,128 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 914 кун.*
3. Термиз ЙХТПТФКга қарашли М41 «Бишкек-Душанбе-Термиз» автомобиль йўлининг 1617,6—1618,3 км.ларини «калит остида» мукаммал таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 144,033 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 456 кун.*
4. Термиз ЙХТПТФКга қарашли 4К-602 «Каптархона-Учқизил-Учқизил темир йўл бекати» автомобиль йўлининг 0—2,17 км.ларини «калит остида» мукаммал таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 132,675 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 549 кун.*
5. Бойсун ЙХТПТФКга қарашли М39 «Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз» автомобиль йўлининг 1371 км.ларини «калит остида» мукаммал таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 1173,794 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 545 кун.*

Иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
**Буюртмачи — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси «Сурхондарёавтойул» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти.**
**Манзили: Термиз шаҳри, Олмазор кўчаси, 42-уй. Телефон: 6-02-30. Факс: 6-16-35.**

1. Узун туманидаги «Хатип» каналини қайта таъмирлаш. *Бошланғич нархи — 44,289 млн.сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 640 кун.*

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
**Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сонли қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.**
**Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 2-70-83, 3-51-32. Факс: 3-51-32.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01 ф., 2-75-04.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Офертаблагларни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, Олмазор кўчаси, 42-уй.**

# ХАЛҚҚА — ЗАМОНАВИЙ ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ХИЗМАТ

***Аслида, «Тез ёрдам» — тиббий хизматнинг таркибий бир қисми бўлиб келган. Бироқ Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида рўй бераётган кенг қамровли ислоҳотлар шароитида «Тез ёрдам»га муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда у «Шошилинч тиббий ёрдам хизмати» деган алоҳида ном олиб, халқ саломатлигини сақлашга қаратилган давлат миқёсидаги хизматнинг яхлит ва улкан бир тизимига айланди. Ушбу тизим ўз фаолиятининг кўлами, олдига қўйган вазифалари ва имкониятларининг кенглиги жиҳатидан ҳеч бир бошқа давлатда бўлмаган ўзига хос модель сифатида тан олинмоқда.***

Ўзбекистонда шошилинч тиббий хизмат тизими бир неча бўғиндан иборат бўлиб, унга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) раҳбарлик қилади. Ҳозирги кунда республиканинг барча вилоят марказларида ва Нукус шаҳрида ушбу Марказнинг 12 та филиали фаолият олиб боряпти, шунингдек, 171 туманда марказий туман шифохоналари ҳузурида субфилиаллар — Шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари очилган. «03» — тез тиббий ёрдам хизмати ва санитар авиацияси ҳам уларнинг хизмат таркибига киради.

Республикамиз Шошилинч тиббий ёрдам хизмати тизимида ишлайдиган мутахассисларнинг билими ва тажрибасини ошириб бориш ишига жиддий эътибор қаратиляпти. Ўтган тўрт йил мобайнида кўпгина мутахассислар Тошкент шаҳрида ҳамда бир қатор хорижий давлатларда малака ошириб қайтдилар.

## Илмий-амалий анжуман

Соҳадаги илмий салоҳиятнинг нуфузи ҳозирги кунда мамлакатимиздан узоқларда ҳам тан олинмоқда. Марказ қошидаги анъанавий илмий-амалий анжуманлар халқаро даражага кўтарилган. Бу анжуманларда хорижий давлатлардаги нуфузли тиббий-илмий марказларнинг етук намояндалари ҳам иштирок этмоқда.

Бугун ана шундай илмий-амалий анжуманнинг тўртинчиси ўз ишини бошлайди. Унда Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган — ички касалликлар ва педиатриядаги критик (танг) ҳолатлар кенг кўламда муҳокама этилади. Анжуманда ўнлаб хорижий олимлар ҳам маърузалар билан қатнашиб, соҳадаги энг сўнгги тажрибалар бўйича фикр алмашадилар.

Ички касаликлар ва педиатриядаги критик (танг) ҳолатлар мавзуси ва масаласи бўйича республикамизда эътиборли ишлар қилинган. Жумладан, биргина шошилинч кардиология хизматида эришилган ютуқларни эслайлик.

Бўлимда Марказ олимлари томонидан ишлаб чиқилган махсус ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари асосида муолажалар олиб борилмоқда. Масалан, 2002 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, Марказда республикада биринчи маротаба ўткир коронар синдроми ва миокард инфарктида эндоваскуляр балонли ангиопластика даволаш усули қўлланила бошланди. Бу усулда юракнинг торайган тож томири ичи балонча ёрдамида кенгайтирилади ёки тож томири ичида ҳосил бўлган тромбни эритиш учун тромболитик дори воситалари тўғридан-тўғри юборилади. Бундай усул юрак хасталикларини даволашда катта самара бермоқда.

Шу ўринда юрак-эшемик хасталигига учраган беморларга айрим зарур маслаҳатларни эслатиб ўтмоқчимиз. Даволаш натижалари беморларнинг ўткир юрак хуружи бошлангандан кейин шифохонага қанчалик зудлик билан келтирилишига боғлиқ. Жумладан, биринчи хуруж бошланганидан кейин бемор 6 соат мобайнида шифохонага келтирилса, тромболитик дорилар ижобий натижа бериб, хавф-хатарнинг олди олинади.

Марказдаги кардиолог олимлар ва шифокорларнинг мақсади — замонавий юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда юрак-томир хасталикларни даволашда тезкор ва яхши самара берадиган усулларни излаб топиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир. Шу маънода, биз — кардиологлар, тўртинчи анъанавий халқаро илмий-амалий анжуман ишига катта умид билан қараяпмиз.

**Йўлдош ЗИЁЕВ,**
**тиббиёт фанлари доктори.**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

**2003-2004 ўқув йилида турли мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича битирувчи магистр ва умумий амалиёт шифокорлари, олий маълумотли ҳамшираларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришмоқда. Институтимизда билим олаётган магистр ва умумий амалиёт шифокорлари кенг қамровли назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион технологиялар билан кенг таниш бўлиб, чуқур амалий тажрибага ҳам эгадирлар. Улар соғлиқни сақлаш тизимининг барча муассасалари, давлат санитария-эпидемиология назорати тармоқларида ишлаш малакаси ва тажрибасига эга бўлган, ҳар томонлама етук шифокор мутахассислардир. Институтимизни битирган магистр ва умумий амалиёт шифокорларига эҳтиёжи мавжуд бўлган соғлиқни сақлаш муассасалари талабнома ва сўров хати билан бизга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган соғлиқни сақлаш муассасаси таклифларини 2004 йил 20 июнга қадар тақдим этишингизни сўраймиз.**

### Йўналишлар бўйича битирувчи умумий амалиёт шифокорлари ва олий маълумотли ҳамширалар

| № | Вилоятлар бўйича | Факультет: Даволаш | Факультет: Тиббий профилактика | Факультет: Олий маълумотли ҳамшира бўлими | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 5 | 1 | | 6 |
| 2. | Андижон | 1 | | | 1 |
| 3. | Бухоро | 15 | 1 | 2 | 18 |
| 4. | Жиззах | 6 | 2 | | 8 |
| 5. | Наманган | 3 | 7 | | 10 |
| 6. | Навоий | 8 | 5 | 1 | 14 |
| 7. | Самарқанд | 12 | 2 | 1 | 15 |
| 8. | Сурхондарё | 10 | 1 | 1 | 12 |
| 9. | Сирдарё | 8 | 3 | | 11 |
| 10. | Тошкент | 35 | 21 | 3 | 59 |
| 11. | Фарғона | 13 | 1 | | 14 |
| 12. | Хоразм | 18 | 6 | | 24 |
| 13. | Қашқадарё | 31 | 16 | 2 | 49 |
| 14. | Тошкент ш. | 112 | 29 | 19 | 160 |
| | Жами | 277 | 95 | 29 | 401 |

### Мутахассисликлар бўйича клиник ординатура битирувчилари

| № | Вилоятлар бўйича | Аллергология | Гемотология | Нур ташхиси | Патанатомия | Юкумли касалликлар | Фтизиатрия | Суд тиббиёти | Анестезиология реанимация | ЛФК | Психиатрия | Наркомания | Клиник фармакология | Пульмонология | Нейрохирургия | Эндокринология | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Андижон | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 |
| 3. | Бухоро | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 |
| 4. | Жиззах | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 |
| 5. | Наманган | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Навоий | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Самарқанд | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | 1 | | 3 |
| 8. | Сурхондарё | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Сирдарё | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Тошкент вилояти | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | 2 |
| 11. | Фарғона | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 |
| 12. | Хоразм | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Қашқадарё | 1 | 1 | | | | | | 2 | | | | | | | | 4 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 4 | 2 | 2 | 1 | 3 | 2 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 25 |
| | Жами | 6 | 3 | 2 | 1 | 3 | 2 | 3 | 5 | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | 3 | 2 | 38 |

### Мутахассисликлар бўйича битирувчи магистрлар

| № | Вилоятлар бўйича | Терапия | Хирургия | Урология | Кўз касалликлари | Кардиология | Доя гинекология | Гастроэнтерология | ЛОР | Асаб касалликлари | Жамоат тиббиёти | Лаборатория ташхиси | Панатаномия | Қон томир хирургияси | Коммунал гигиена | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Андижон | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Бухоро | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | | 3 |
| 4. | Жиззах | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Наманган | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Навоий | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 |
| 7. | Самарқанд | | 2 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 4 |
| 8. | Сурхондарё | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 |
| 9. | Сирдарё | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Тошкент | | 2 | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 4 |
| 11. | Фарғона | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Хоразм | | 1 | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | 5 |
| 13. | Қашқадарё | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 |
| 14. | Тошкент ш. | 6 | 4 | 4 | 3 | 5 | 12 | 1 | 6 | 2 | 6 | 1 | | 1 | 1 | 52 |
| | Жами | 6 | 9 | 6 | 4 | 6 | 13 | 2 | 6 | 5 | 7 | 3 | 1 | 2 | 1 | 71 |

"Lok Kolor Sintez" корхонасидан ЯНГИЛИК

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ!
БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.



КОРХОНА ХАЛҚАРО СИФАТ СОВРИНИГА САЗОВОР БЎЛГАН



«ПЕНЕТОН»
шимдиргичи силикатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишиқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.

«БИНОГРУНТ»
грунтовкаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайди ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.

Ранг-баранг «БИНОФАС»
бўёғи бино олд томонини ҳимоялайди ва унга чирой беради.

*Товар сертификатланган.*

*Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.*

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

«ҚОДИРХЎЖА ЎҒИЛЛАРИ» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.




*Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.*

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

## ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

### ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР !

**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари, активлари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси 2004 йил 28 июнь куни қуйидаги давлат активлари ва объектларини бепул бериш бўйича танлов савдоларини ўтказади.**

**Инвестиция мажбурияти шартлари билан бепул бериладиган давлат объектлари рўйхати:**

| Т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган манзили (тум. шаҳ.) | Танлов шартлари: Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Танлов шартлари: Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Танлов шартлари: Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн. сўм) | Танлов шартлари: Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Ийк-Ота» кундузги стационар биноси | Юқоричирчиқ тумани | тўлиқ, мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолиш | 5,0 | бир йил |
| 2. | «Наврўз» болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Оҳангарон тумани | тўлиқ, мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолиш | 20,0 | бир йил |
| 3. | Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг эски ётоқхона биноси | Олмалиқ шаҳри | тўлиқ, мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 1,0 | бир йил |
| 4. | «Булбулча» болалар боғчаси | Паркент тумани | тўлиқ, мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 7,0 | бир йил |

**Инвестиция мажбурияти шартлари билан бепул бериладиган давлат активлари рўйхати:**

| Т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган манзили (тум. шаҳ.) | Устав фондидаги давлат активи фоизда: Жами | Устав фондидаги давлат активи фоизда: Шу жумладан давлат улуши | Танлов шартлари: Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Танлов шартлари: Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн. сўм) | Танлов шартлари: Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Паркент ИКМК» ОАЖ | Паркент тумани | 98,14% | - | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 100 | бир йил |

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан Давлат мулки қўмитаси ва иқтисодий ночор корхоналар ишлари Тошкент вилояти худудий бошқармаларига мурожаат қилишингиз мумкин. Танловда қатнашиш учун инвестор эълон қилган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин Тошкент вилояти худудий танлов комиссиясининг кўриб чиқиш учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифини тақдим этиши лозим.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 136-06-27.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Хоразм вилояти молия бошқармаси бошлиғи Бахромбек Аллабергеновга волидаи муҳтарамаси

**АЛТИН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Вокал кафедраси доценти, Ўзбекистон халқ артисти

**Салима ая ХОДЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси университет фахрийси, педагогика фанлари номзоди, доцент

**Раҳима НАЗАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 23456